

UZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
TOSHKENT

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 18 май, шанба

• №39 (11.427)

• Эркин нарҳда сотилади

## Вилоят ҳоқимлигида

### ТЕКШИРИШЛАРГА – САМАРАДОРЛИК

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзолари, вилоят, шаҳар ва туман назорат идораларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишни комиссия аъзо-Иўлдошев бошқарди. си, Тошкент вилояти ҳоқими- Комиссия раисининг ўринбосарининг ўринбосари Абдуҳамид ри, давлат солиқ бошқармаси бош-

лиги Мирзоҳид Комиловнинг биринчи чорақда ҳўжалик субъектлари фаолияти текширилишини мувофиқлаштириш якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланиб, муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилишда «Ўзнефтегазинспекция»нинг вилоят бўлими томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш-

лар тартибга солинишига доир қонунчилик талабларига амал қилиниши ва текширишлар самарадорлигини ошириш борасидаги ишлар, Оҳангарон туманида текширишларнинг тартибга солинишини таъминлаш ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Комиссия йиғилишида текширишларни мувофиқлаштиришни такомиллаштиришга оид бошқа баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Кюдзо Катони "Дўстлик" ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Халқимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари ҳамда маданий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва хорижий элларда тарғиб қилишдаги катта хизматлари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси учун археолог олим ва жамоат арбоби Кюдзо Като "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин. Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**. Тошкент шаҳри, 2002 йил 3 май.

### ИСЛОҲОТЛАРГА КўМАК УЧУН

ТАСИС (Европа иттифоқи дастури)нинг «Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимни рўёбга чиқаришни қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Лойиҳанинг бош вазифаси Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни муваффақиятли амалга оширишдан иборат.

ТАСИСнинг Тошкентдаги ваколатхонасидан маълум қилишларича, мазкур лойиҳа учта асосий тамойилни қамраб олади. Булар — Ўзбекистон меъёрий-ҳуқуқий базасини Европа меъёрларига яқинлаштириш, Жаҳон савдо ташкилоти талаблари ва битим низомига жавоб берувчи савдо сиёсатини ривожлантириш ҳамда нодавлат ташкилотлар, ОАВ билан ахборот-айрибошлашдир.

«Туркистон-пресс».

### 19 май – Кончилик ва металлургия саноати ходимлари кун

## МЕҲНАТЛАРИ ЭЪЗОЗДА

23 миллион тонна... Бу рақам Ангрндаги 9-кўмир кони ишга тушганидан бери ўтган даврда унинг қаъридан қазиб чиқарилган «қора олтин» ҳажмини билдиради. Республикамиз кўмир саноатининг тўғричиликларидан бири ҳисобланган корхона жамоаси ярим асрдан ортиқроқ вақтдан бери мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг қатор тармоқларига ўз маҳсулотини етказиб бермоқда. Айниқса, электр станциялари учун қўл келмоқда. Унинг қозонхоналарида ёқилиб, ҳаётбахш нур ҳосил қилмоқда, у эса саноат корхоналаридаги сон-саноксиз асбоб-ускуналарни ҳаракатга келтирмоқда. Фуқаролар хонадонларини чарогон этаяпти, турмуш фаровонлиги ортишига хизмат қилмоқда.

Кон жамоаси ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатини йил сайин оширмоқда. Ҳозирга келиб бир кеча-кундузда қазиб олинаётган кўмир миқдори ўртача 1 минг 100 тоннани ташкил этаяпти. Бу режадагидан биров ортиқ. Жорий йилнинг биринчи чорагида буюртмачиларга етказиб берилган қимматли хом ашё ҳажми 86 минг 400 тоннани ташкил этди ёки уни пул билан

(Давоми 2-бетда).



### Ўзбекистон қўшиқ байрами

## СЕНГА АРМУҒОН

Қибрайдаги сўлим Дўрмон қишлоғида жойлашган маданият саройида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг вилоят якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Ватан, юрт ҳақидаги янги қўшиқлар янгради, эндигина саҳнага қадам қўйган янги номлар, қўшиқ ижрочилари кашф этилди.

Шу ўринда мамлакатимизда ўтказилаётган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» ўзига хос анъанавий байрамга айланди десак, муболага бўлмас.


Кўрик-танловни очар экан, вилоят ҳоқимининг муовини, хотинқизлар кўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова барча шаҳар ва туманлардан тавсия этилган ҳудудий босқич голибларига танловда омад ёр бўлишини тилади.

Кўрик-танловда Ўзбекистон Республикаси Консерваторияси-

(Давоми 2-бетда).

## БУ САФАР БўШ КЕЛМАЙМИЗ

дейишяпти «Универсиада-2002» мусобақаларида иштирок этадиган вилоятимиз терма жамоаси аъзолари



Яна бир неча кундан сўнг Бухородаги ўн учта спорт зали ва ўйингоҳларда республика олий ўқув юртлари спортчи талабаларининг универсиада ўйинлари тантанали очилади. Хўш, ёшларнинг ушбу спорт байрамига вилоятимиз вакиллари қандай тайёргарлик кўрмоқдалар? 2000 йилда Наманганда бўлиб ўтган биринчи универсиададан фарқли ўлароқ бу сафар кўпроқ медаллар қўлга киритилишига умид боғлаш мумкинми?

(Давоми 8-бетда).

### Тадбир



## ОИЛА – ҲАМИЯТ ГҮЛТОҶИ

Ҳар бир оила – бутун бир олам. У шундай бир тиниқ томчики, замирида бутун юрт-эл ҳаёти, қувончу ташвишлари яққол акс этади. Оила соғлом бўлса, унинг ҳар бир аъзоси ўқиш ва камолот сари интилиб, бахту тахтини ҳалол меҳнатдан изласа, хонадонда маъмурчилик, турмушда ўзаро ҳурмат-эҳтиром, ҳаётда бахт-саодат қарор топади, мамлакат юксалиш, ривож ва тараққиётнинг ойдин йўлига чиқади.

(Давоми 2-бетда).

— Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз оила, унинг эҳтиёжи масалаларини кучли ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналиши сифатида белгилаб қўйдилар, — деди Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова Чирчиқ Кимёгарлар маданият саройида «Оила — жамият негизи» мавзусида ўтган илмий-амалий конференцияни очатди. — Биз бугун 15 май — Халқаро Оила кўни муносабати билан тўпландик. Лекин, мустақил Ўзбекистонда ҳар бир кун оилаларни мустақамлаш, унинг моддий-маънавий даражасини кўтариш, баркамол инсонларни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Зеро, Президентимиз айтганларидек, оила соғлом ва мустақам — маҳалла, тинч ва ҳамжихат, жамият барқарор, давлат осойишта.

Илмий-амалий конференцияда Республика хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Дилобар Қобулова, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, профессор Василя Каримова, Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Гулнора Йўлчиеваларнинг маърузалари тингланди. Улар мамлакатимизда оилаларни мустақамлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларга алоҳида ургу беришди, миллатимизнинг оилавий муносабатларга доир анъаналари ва қадриятлари истиқлол йилларида яна ҳам теран маъно касб этаётганлигини таъкидлашди.

Нотиқлар айрим факт ва рақамларни эслатиб ўтишди. Чунинчи, мамлакатимизда 4 миллион 800 минг оила мавжуд. Ҳар йили ўртача 170 мингга яқин янги оила

(Давоми. Боши 1-бетда).

пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар минг киши ҳисобига деярли 7 оила шаклланади. Уларни моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, камхарж оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг усул ва услублари кенгайиб борапти.

Лекин, оила йўлидаги ноҳуш «поёндоз-

## ОИЛА — ЖАМИЯТ ГУЛТОҶИ

лар» — жиддий муаммолар ҳам анжуман иштирокчиларининг диққат эътиборидан четда қолгани йўқ. Айтайлик, ҳар йили мамлакатимизда 20-23 минг оила барбод бўлмоқда. Бу — яхши орзу-умидларнинг чил-чил бўлиши, ўн минглаб гўдакларнинг етим қолиши демакдир.

Бунинг сабаби нимада?

Анжуманда савол шу тариқа аниқ қўйилиб, унга дангал жавоблар ҳам берилди. Жумладан, йигит-қизларни оилавий ҳаётга чинакамига тайёрлаш лозимлиги таъкидланди. Шунга эришиш керакки, ёшлар никоҳ билан боғлиқ ҳақ-хуқуқлари, бурч ва масъулиятларни мукамал ўзлаштириб олишсин, мустақил ҳаёт кечириш даражасида касб-ҳунар, илм эгаллашсин. Яна бир жиҳат ташвишди: жиноятчиликнинг салмоқли улуши оилавий муҳит, оилавий муносабатлар ҳосиласи сифатида намоён бўлмоқда. Бунинг олдини олиш, оила давраларида, маҳаллаларда, аҳолининг турли қатламлари орасида ҳуқуқий, маънавий-маърифий тар-

бияни кучайтириш лозим.

Илмий-амалий конференция намунали оилаларни тақдирлаш билан якунланди. Етмиш ёшли Ҳабиба Абдуллаева кутловларга жавобан шундай деди:

— Мақсуд хожи отангиз билан бахтли ҳаёт кечирдим. Ували-жували ҳонадон соҳибларимиз. Хали-ҳануз 90 ёшли қайнонам, 100 ёшли қайнотамларни ардоқлаймиз.

Ўн бир келин ва бир куёвнинг қайнонаси Раҳбар она Эрназарова саҳнага таклиф қилинганида, анжуман иштирокчилари оёққа туришди, кутловлар, табриклар янгради.

— Биз ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, вилоятимиз шаҳар ва туманларида бундай намунали оилалар беҳисоб, — деди вилоят «Оила» илмий-амалий марказининг директори Зухра Камолова. — Бибисера Ўсарова, Ўрозгул Шодмонова, Гулнора Абдуллаева, Гулжон Йўлдошеввалар ҳонадон Оққўрғон туманининг Ҳамид Олимжон номли хўжалигида ниҳоятда доврўқли.

Ўлғиз Бекобод туманининг Улуғбек номли ширкат хўжалигида 110 намунали оила истикомат қилмоқда. Уларнинг тарбия бобидаги тажрибаси — бутун бир мактаб.

Анжуман қатнашчилари бир гуруҳ ёш оилаларни ҳам муборакбод этишди. Тадбир якунида «Оила менинг тасаввуримда» расм чизиш танловида ғолиб чиққан ўқувчилар тақдирланди. Чирчиқдаги 15-мактаб ўқувчиси Элдор Омонов биринчи, 2-мактаб ўқувчиси Ҳаёт Абдуқодиров иккинчи, 8-боғча тарбияланувчиси Муслим Мирзажалилов учинчи ўринни эгаллашди.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

## СЕНГА АРМУҒОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг проректори, таниқли бастакор Аваз Мансуров бошчилигидаги нуфузли ҳайъат эътиборига 30 га яқин кўшиқ тавсия этилди. Олмаликлик Нигора Турсунова, вилоят ички ишлар бошқармаси ходими Муҳиддин Обилов, бўқалик Бехзод Мусаев, парктентлик Шахло Рўзиева, юқоричирчиқлик Жодира Қодирова, Оҳангарон шаҳридан Зебо Тожибоеваларнинг чиқишлари маданият саройи залини тўлдириб ўтирган муҳлисларнинг кизгин олқишлари сазовор бўлди. Улар кўрик-танловнинг иккинчи ва учинчи ўринлари соҳиби бўлишди.

Танлов якунига кўра қибрайлик Нодир Зоидов маҳорат билан ижро этган «Ватан меҳри» кўшиғи биринчи ўрин ҳамда биринчи мукофотга лойиқ деб топилди. Энди Нодирбек «Ўзбекистон кўшиқ байрами» республика кўрик-танловида қатнашиб, Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилади.

Шунингдек, олмаликлик Алишер Халилов, чирчиқлик Хонзода Сафарова, бўқалик Ақром Кенжаевлар рағбатлантирувчи мукофотлар эгаи бўлишди.

Халқимизда «Кўшиқ айтган етар муродга» деган нақл бор. Ватан ҳақида кўшиқ куйлаш ҳар бир хонанданинг орузидир. Кўшиқ қолонасига илк бора кириб келаётган ёш хонанда ва созандаларимизни толмасдан машқ қилишларини, изланишларини тақозо этади, албатта. Шундай экан, биз ҳам ўз навбатида уларга омад кулиб боқишни тилаб қоламиз.

**Алижон АЗИМОВ.**

### Кўрик

## ЁШ НАЖОТКОРЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Тошкент вилоятида «Саломатликнинг ёш дўстлари» XXIII анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва қишлоқ мактаблари санитария постларининг аъзолари ўз билаларни намойиш қилишди.**


— Бахтсиз ҳодисалар, фавкулдда вазиятлар, табиий офатлар рўй берган тақдирда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг аҳамияти катта, — деди «Тошкент ҳақиқати» мухбирига Кизил ярим ой жамияти раиси Муфаррах Каримова. — Шу боис ўқувчиларни дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишга доир зарур билимлар ва малака билан қуроллантириш муҳим. Вилоятда бу йўналишда олиб

борилаётган ишлардан бири «Кизил ярим ой» жамияти бошчилигида «Саломатликнинг ёш дўстлари» шиори остида ўтаётган тадбирлар, фестиваллар ва кўрик-танловларидир.

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғида ўтган бу кўрик-танлов жараёнида ўқувчилар етти босқичда ўз билим ва малакаларини намойиш қилишди. Кизгин баҳсларда Қибрай туманидаги 10-мактаб ёш санпостчилари биринчи, Оҳангарон ва Ангрен шаҳарлари мактабларининг ўқувчилари — иккинчи, Паркент ва Бўка туманлари мактабларининг ўқувчилари — учинчи ўринларни эгаллашди. Ғолиблар қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

**СУРАТЛАРДА:** кўрик-танлов жараёнидан лавҳалар.

**Пўлат СОДИҚОВ олган суратлар.**



### 19 май — Кончилик ва металлургия саноати ходимлари кўни

## МЕҲНАТЛАРИ ЭЪЗОЗДА

ифодалайдиган бўлса 915 миллион 319 минг сўмга тенгдир. Бу шу давр учун назарда тутилганига нисбатан 400 тонна кўп. Ҳар бир кончи ҳисобига ҳар ойда 34 тоннадан кўмир тўғри келади. Ер сатҳидан 150-200 метр чуқурликда ишлаш, кўмир парчаларини ажратиб олиб, транспортёрларга ортиш, комбайнларни бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Минг нафардан ортик кончилар ҳар кўни шундай шароитларда меҳнат қиладилар.

Кон жамоаси бу йил ками билан 360 минг тонна кўмир қазиб чиқаришдек маррани эгаллашга аҳд қилган.

Бунинг учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Ёқилги захиралари эса етарли. Мутахассисларнинг аниқ ҳисоб-китобларига қараганда, кон ҳудудида 49,5 миллион тонна ёқилги ястаниб ётипти. У ҳозирги иш суръати оширилган тақдирда ҳам камида юз йилга етади.

Конда кўмир қазиб чиқариш, лаҳмлар тайёрлаш бўйича бўлимлар республика мустақиллигининг ўн бир йиллиги, касб байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида меҳнат қилмоқдалар. Узаро беллашув, илғор иш усулларини қўллаш, мавжуд

(Давоми. Боши 1-бетда).



кончилик техникасидан самарали фойдаланиш натижасида иш кўрсаткичлари ортиб бораёпти. Айрим бўлимлар эса топшириқни анча ошириб адо этишмоқда. Айниқса, кўмир қазиб чиқариш бўйича 3-бўлим жамоаси пешқадамлик қилмоқда. Конни тайёрлаш бўлимлари орасида эса 5-бўлим яхши ишламоқда. Уларнинг меҳнат тақвимида июнь ойи бошланганига ҳам анча кун бўлди. Юнус Ҳамдамов, Валижон Соттиевлар раҳбарлик қилаётган жамоалар ҳақида ҳам фақат илиқ сўзлар эшитасиз. Улар ҳар кўни кўшимча беш-ўн тоннадан «қора олтин» қазиб чиқаришяпти.

Кончилар ишлаб чиқариш

суръатини сусайтирмаслик учун кўшимча имкониятларни ишга солиш мақсадида изланиш олиб боришяпти. Бу албатта, ўзининг ижобий самарасини беради. Жамоа шу йўл билан республикамиз энергетика тармогини ривожлантириш юзасидан тузилган давлат дастурининг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Собир ҲАМИДОВ.**

**СУРАТДА:** ўз қабини пухта эгаллаган чилангарлар Виктор Николаевский ва Гелмум Сафиулинларни кўриб турибсиз.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

### Янгилик

лат дастурига мувофиқ вилоятда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга эътибор тобора кучайиб, шаҳар ва туманларда аёллар репродуктив марказлари фаолиятни янада кенгайиб бораётганини таъкидлади. Тиббиёт ходимлари тадбир давомида она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш борасида ўзаро тажриба алмашди.

**Н. Душаев,**  
ЎЗА мухбири.

## МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

**Бекобод шаҳар марказий касалхонасида аёллар репродуктив саломатлик маркази иш бошлади.**

Марказда барча шароит мавжуд. Бу ерда қизлар, ёш аёллар малакали гинеколог, кардиолог, асаб ва ички касалликлар шифокорлари кўригидан ўтиб, зарур маслаҳат ва муолажалар олади.

«Ишонч телефони» беморлар мушкулини осон қилишга ёрдам беради.

Марказнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар соғлиқни сақлаш тизимини амалга қилиш дав-

**Раҳбар ва ислоҳот**

**Қайси соҳада бўлмасин ишнинг яхши, ёмон бўлиши кўп жиҳатдан кадрларга, раҳбарларга боғлиқ. У ҳаётда обдон синалган ҳақиқат. Чиндан ҳам айрим раҳбарлар амал курсисига ўтириб олгач, кўпроқ ўз манфаатларини ўйлайдилар. Табиийки, бундай жойда иш юришмайди. Раҳбарнинг ўзи оқибатда халқ назаридан қолади. Аксинча, у оромидан кечиб, эл-юрт иши учун қайишадиган бўлса, уни астойдил қўллаб-қувватлайдилар.**

Янгийўл туманидаги Мирзабобоев номли ширкат хўжалиги ҳисобот сайлов йиғилишида қатнашиш учун келган туман ҳокими ташкилий масала кўрилиши олдидан бу ҳақда кўп ва хўп ўйлади, аниқ бир қарорга келди.

Қариси бор уйнинг париси бор. Шунинг учун ҳам Рўзибой ишни қарияларнинг кўнглини олиш, уларни кадрлашдан бошлади. Таклиф ва мулоҳазаларини эшитди, фикри бир жойдан чиққанлигидан қувонди. Янги раис қишлоқдаги бор қариялар-

ийгиб олинди. Давлатга 1600 тоннадан ортиқ дон топширилди. Бу йил 462 гектар майдондаги галла ҳосилдорлигини 50 центнерга етказишни мақсад қилиб олганлар. Бунинг учун асос бор. Энг муҳими галлакор ўз меҳнатидан кўзлагандек манфаат кўрмоқда. Ҳар бир ширкат аъзоси ўтган йили 5-6 тоннадан дон олди. Режадан ташқари, етиштирилган галланинг 50 фоизи эса уларга берилди.

Дала ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан техникага боғлиқ. Раис бу масалага ҳам алоҳида эътибор берди. Техника саройида меҳнат қилади-

# ТИКЛАНИШ

– Мен Рўзибойнинг бош муҳандислик фаолиятини обдон ўрганиб чиқдим, – деди у. – Оилавий аҳволи, турмуши, ҳаёт тарзи билан, ҳам кизиқдим. Уни билган, яқиндан танийдиган ҳамқишлоқлари, кўпни



ган 35 тракторчининг ҳар бирига давлат баҳосида бир тоннадан бугдой улашди. Ўз фаолиятлари давомида улар биринчи марта бундай марҳамат кўрдилар. Ўзи шундай бўлиши ҳам керак. Хоҳ пахтами, хоҳ галлами, етиштирилади-

кўрган қариялар билан ҳам мулоқотда бўлдим. Улар оддий тракторчиликдан бош муҳандис даражасига кўтарилган Рўзибой умр бўйи далада меҳнат қилган, ҳозирги кунда 85 ёшга кирган отаси Мамат бува сингари пок, ҳалол, фидойи инсон эканлигини айтиб, ҳозир айна қирчиллама ёшга тўлган вақти. Билими ҳам, тажрибаси ҳам етарли. Хўжаликни инкироздан, албатта, олиб чиқишига кўзимиз етади, дейишди.

Мажлис қатнашчиларига бу таклиф жуда маъқул бўлди. Яхши номзод танланипти.

Бу таклифдан Рўзибой ганиб қолди. Аммо, халқ унга ишонди. Рўзибой уч-тўрт кун қўли ишга бормай юрди. Ўзини мажбур қилиб, идорага чиқди, дала айланди. Одамлар орасида бўлди, уларни суҳбатга тортди. Лекин, орқаваротдан «сен ҳам олдинги раҳбарларга ўхшаб ўзингни ўйлайсан-да, чўнтагингни қаппайтиргандан кейин, хайр-мазурни насия қилиб жўнаб коласан» дейдиганлар ҳам йўқ эмасди. Рўзибой бундай гапларга парво қилмасди, ички бир куч уни ишлашга, астойдил меҳнат қилишга, одамларнинг поймол қилинган ишончларини тиклашга ундади. Бунинг бирдан бир йўли адолатни тиклаш, деҳқон меҳнатига яраша манфаат кўришини таъминлаш эди. Ахир улар жонимизни жабборга бериб ишласак ҳам хўжалик ҳеч нарса бермапти-ку деб, бежиз айтишмасди.

нинг рўйхатини олди, қўлидан келганча уларнинг руҳини кўтарди, таъминоти билан кизиқди. Айниқса, боқувчисини йўқотган, ночор, кўнгли яримта кексаларга алоҳида эътибор берди. Фаоллар билан бирга, уларга баҳоли қудрат ун, гуруч, ёғ тарқатди.

Рўзибой бу билан чегараланмади. Қишлоқ аҳли фарзандларининг билимдон, ўқимишли бўлиб ўсишлари тўғрисида ҳам гамхўрлик қила бошлади. Шу мақсадда хўжаликдаги мактабларга борди. У ердаги таълим тарбия ишларининг йўлга қўйилиши билан кизиқиб, мактаб раҳбарлари, муаллимлар билан суҳбатлашди, кам-кўстларини ўрганди. Қараса 51-мактабда болалар эскириб кетган синф парталарида ўтириб ўқишмоқда. У эртасигаёқ оталиқдаги корхоналар билан гаплашиб, 50 тага яқин парта олиб берди. 50-мактабда эса, газлаштириш ишларига ўзи бошқош бўлди. Бундан ташқари ҳар икки мактаб жамоасига 40 тонна пиёз, 25 тонна бугдой, шולי ажратди.

Бу хайрли тadbирлар ҳақида қишлоқда яхши гаплар айтилди. Шу аснода хўжаликда кўтаринкилик юзага келди. Бу ҳол, табиийки, дала ишларининг сифати ва салмоғига ижобий таъсир кўрсатди. Хўжалик ўтган йили 600 гектар майдонда етиштирилган пахтанинг ҳар гектаридан 28 центнердан хирмон кўтариб, режани туманда биринчилардан бўлиб 6 октябрда бажарди.

Хўжаликнинг галлачиликда эришаётган ютуқлари ҳам салмоқли. 2001 йилда ҳар гектаридан 43 центнердан ошириб ҳосил

ган мўл-ҳосилда тракторчининг ҳиссаси қатта.

Раис яна бир табдирни амалга оширди. Кузда техникани тайёрлашга киришилишидан олдин ҳар бир тракторчи, хизматчига уларнинг оила жон бошини ҳисобга олиб, ун, шакар, гуруч тарқатди. Техникани созлаш жараёнида ўзи ҳам қатнашди, назорат қилиб, зарур бўлганда энг шимариб ишлади. Маслаҳат, йўл-йўриқ бериб турди. Хўжаликда ҳар йили мавжуд техникаларнинг ноябрь ойидаёқ тайёргарлик чизигига келтириб қўйилиши одатий ҳолга айланди. Шунинг учун ҳам экин-тикин ишларини биринчилардан бўлиб тугаллайдилар. Парваршиш жараёнида эса ҳеч вақт техника панд бермади, дала ишлари сифатли ва эрта муддатда бажарилади. Бу ҳосилнинг чўғига, энг муҳими сифатига ижобий таъсир кўрсатади, олинадиган даромад кўпаяди. Шу тариқа хўжалик икки йилдаёқ оёққа туриб олди.

– Эндиги ҳаракат, – дейди Рўзибой Умрзоқов, – соф фойдани кескин оширишга, деҳқонларнинг турмуш тарзини ҳар жиҳатдан яхшилаб, ободончилик ишларини кучайтиришга қаратилади.

Бу гапларни эшитиб ўйлаимиз: «Хўжалик меҳнаткашлари фидойилик, ҳалоллик, меҳнатсеварликни, бошқарув эса адолатни ўз фаолиятининг мезони қилиб олган экан, бу ният албатта амалга ошади».

**Носир РИХСИЕВ,**  
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

# ИЛМИЙ АМАЛИЙ АНЖУМАН

**Куни кеча Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши ҳамда вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорлигида Ангрэн шаҳрида илмий-амалий семинар ўтказилди.**

Маълумки иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинган эди. Шу боис, республика ҳамда Тошкент вилояти «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамкорлиқда мазкур конституциявий қонуннинг моҳиятини, унинг қонунчиликдаги аҳамиятини жамоатчилик ўртасида тушунтириш мақсадида ушбу илмий-амалий семинарни ташкил этдилар.

Семинарда Ангрэн шаҳридаги таъкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари, «Маҳалла» оқсоқоллари, ўзини ўзи бошқарш тизимлари ҳамда хотин-қизлар кўмиталари раислари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманни Ангрэн шаҳар ҳокими А.Юсупов бошқарди.

Семинарда сўзга чиққан сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков, юридик фанлари номзоди, ҳуқуқий маърифат тарғоби маркази бўлими бошлиғи

Марат Фуломов, республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов, Тошкент вилояти «Маънавият ва маърифат» кенгаши масъул котиби Суяр Қурбонқулов «Референдум яқунлари ва давлатчилигимизнинг янги босқичи», шунингдек, конституциявий қонуннинг моҳияти, унинг бошқа қонунларга таъсири, давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги аҳамияти ҳамда қонунни тарғиб этишда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Илмий-амалий семинарда Ангрэн шаҳрида ҳуқуқий тарғибот ишларини кенгайтиришнинг аҳамияти, Конституциявий қонунни тушунтиришга қаратилган тadbирлар режасини ишлаб чиқиш, олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг моҳиятини ҳар бир фуқаро онгига етказишнинг зарурияти, маънавият ва маърифат, ҳуқуқий тарғибот масалалари билан боғлиқ келгусидаги вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.

## «САҲОВАТ» ХИЗМАТИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШМОҚДА

**Қуйичирчиқ туманида «Саҳоват» жамоатчилик маркази иш бошлади.**



Уни «Файз» хусусий корхонасининг Норбўта Маменов бошчилигидаги қурувчилар жамоаси қуриб, ёлғиз ва боқувчисини йўқотган қарияларга совға қилди.

Обиджон СЎПИХОНОВ.

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР – ОТАЛИҚДА

**Вилоят шаҳар ва туманларида 19та ватанпарварлик клуби мавжуд. Уларда 300га яқин ёш ҳарбий техникани ўрганиб, жисмоний чиникмоқда.**



Машқларни тажрибали мураббийлар ўтказишяпти. «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят бўлими ёшларда она-Ватанга муҳаббат, уни химоя қилишга қобилиқни тарбиялаш, қуролли кучлар, халқ хўжалиги учун кичик мутахассислар тайёрлашни кеңгайтиришни кўзлаб, янги ташаббус билан қилди. Тарбияси оғир вояга етмаган болаларни оталиққа олиб, уларни кизиқишларига қўра автомактаб машғулотлари, спортнинг техник ва амалий турлари билан шу-

ғулланишга жалб қилинди. Чирчиқ шаҳрида бундай болалар ўн бир кишига етди. Оҳангарон, Паркент, Юқори-чирчиқ, Бекобод, Қибрай туманларида ҳам ҳамкор ташкилотлар билан биргалиқда вояга етмаганлар учун давра суҳбатлари ўтказиляпти.

**Баходир ТУРҒУНОВ,**  
Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг масъул котиби.

## ТИББИЙ МУҲОФАЗА

**Янгийўл шаҳар поликлиникасида «Соғлом бола» хонаси ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.**

Бу ерда аёллар илк ҳомиладорлик давридан бошлабқоқ рўйхатга олинади. Уларга туғилажак фарзандларини тарбиялаш, уларни парваршиш қилиш ҳақида маслаҳатлар берилади.

Шу йилнинг ўтган даврида

шифокорлар мингга яқин кичикинтойларни тиббий кўриқдан ўтказиб, 400дан ортиқ аёлларга бола тарбияси ҳақида маслаҳатлар беришди. Бу каби тadbирлар яхши самара бермоқда.

**Зухра ҲАЙДАРОВА.**

## КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШАЯПТИ

**Ўзбекистон металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилган техникавий тadbирларни амалга ошириш ишлари давом этмоқда.**

Бу ерда электр ёрдамида пўлат эритувчи янги печ тезкорлик билан барпо этиляпти. Бинокорлик ва монтаж ташкилотлари жамоалари уни республикамиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги арафасида фойдаланишга топширишни режалаштиришган.

Мазкур печ ёрдамида эритилган пўлат гўлаларга айлантирилиб, турли маҳсу-

лотлар – металл буюмлари, турли шаклдаги прокатлар, арматуралар, кон сааноатида ишлатиладиган ҳар хил ўлчамдаги золдирлар тайёрланади. Бу билан мамлакатимиз халқ хўжалигининг шундай буюмларга бўлган эҳтиёжини тўла-роқ қондириш йўлида сезиларли одим ташланади.

Ўз мухбиримиз.

## DUSHANBA

20

## «Ўзбекистон»

## телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома»  
8.45, 17.55 ТВ маркет.  
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Эллик қалъа».  
9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.40 «Тўртинчи ҳокимият».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Учувчининг парвози». Бадий фильм.  
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.  
**Болалар сайёраси:**  
12.05 1.»Болалиқнинг

мовий осмони». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
13.05 «Ўзбек спорти одимлари».  
13.25 «Ошин». Телесериал.  
13.55, 16.40, 17.25 ТВ анонс.  
14.10 «Қалб гавҳари».  
14.30 Кундузги сеанс: «Аёллар тангоси». Бадий фильм.  
15.50 «Бадий кенгашдан сўнг».  
16.15 «Ифтихор».  
16.45 «Талабалик йилларим».  
17.05 «Кино оламида».  
17.30 «Куйла, ёшлигим».  
18.10 «Тарих кўзгуси». Термиз. 6-қисм.  
18.30 «Мулк».  
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00

Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.  
21.30 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».  
22.00 «Миллионлар ўйини».  
22.30 «Кавингтон Кросс». Телесериал.  
23.20 «Ахборот - дайжест».  
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**  
**Профилактика муносабат билан душайба 20 май куни «Ёшлар» телеканал кўрсатувлари соат 15.15 да бошланади.**  
15.15 Кўрсатувлар дастури.

15.20 «Давр» ҳафта ичида:  
15.50 Кўҳна оҳанглар.  
16.00 Спорт ҳафтанома.  
16.15 «Никоҳ тумори».  
Бадий фильм. 1-қисм.  
17.40 «Янги авлод» почтаси, Кичкинтой экрани.  
18.05 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
18.20 Оқшом наволари.  
18.35 Тафаккур ёлқинлари.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 Ҳазил соғинчи.  
20.10 Ёшлар овози.  
20.30 Ёшлик наволари.  
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар  
20.50 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
21.25 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.45 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.  
00.55-1.00 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканал**  
17.05 Кўрсатувлар тартиби.  
17.10 Болажонлар экрани.  
«Оловдиннинг сеҳрли чироғи».  
18.25, 20.00, 21.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.45 «Радиус-21».  
19.10 «Мушоҳада».  
19.35, 20.30, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.  
19.50 «Камалак».  
20.45 «Муסיқий меҳмонхона».  
21.30 ТТВда сериал:

«Бибилиска пул».  
22.30 «Пойтахт шарҳи».  
22.55 Кинонигоҳ, «Гувоҳ».  
00.40-00.45 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Шов-шув». Сериал.  
17.15 «Бугун оламда».  
Ахборот кўрсатуви.  
17.25 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.  
18.00 «Мени кутгил».  
19.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.  
20.00 Время.  
20.35 «Ажралмас». Сериал.  
21.15 «ТВ-4да Немис тўлқини».  
21.35 Кинематограф. «Барок дўстим». Бадий фильм.

23.05 «Ахборот» (рус тилида)  
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
**16.55 гача профилактика ишлари.**  
17.00 Дастурнинг очилиши.  
17.05 Ҳужжатли кино: «Одам ва денгиз».  
17.40, 20.35 — «Телеҳамкор».  
18.05 «Саломея». Телесериал.  
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Ишбилармон кишилар».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона», муסיқий дастур.  
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Шанхай алоқачиси».  
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.  
24.00 Ярим тунда спорт.

## SESHANBA

21

## «Ўзбекистон»

## телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Жаҳонни забт этган санъат».  
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».  
9.40 «Оламга саёҳат».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Мулк».  
10.20 «Бу шунақа ўйин». Бадий фильм.  
11.50 ТВ-клип.  
12.05 «Париси бор уй».  
12.35, 14.30 ТВ анонс.  
12.40 «23,5 даражали бурчак остида».  
Телесериал премьераси. 80-қисм.  
13.05 «Миллионлар ўйини».

Спорт дастури.  
13.35 Ўзбекистон халқ артистлари.  
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».  
14.35 Болалар учун.  
«Миттивойлар оиласи».  
14.55 «Қизлар давраси».  
16.25 Болалар учун.  
«Қўшигим - жон қўшигим».  
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».  
18.10 «Баркамол авлод орзуси».  
18.30 «Инсон ва қонун».  
18.50 «Олтин мерос».  
19.05 «Тафсилот».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Солиқ ва биз».  
21.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.  
21.40 «Ўзбекистон» каналида

илк маротаба: «Ошин».  
Телесериал премьераси.  
22.10 «Келин-куёв».  
Телешоу.  
23.25 «Мувозанат».  
23.55 «Ахборот - дайжест».  
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» почтаси, Кичкинтой экрани.  
9.40 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
9.55 Кинотақдим.  
10.15 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
10.45 Муסיқий лаҳзалар.  
10.55 Жаҳон жуғрофияси.  
11.45 Ёшлар овози.  
12.05 Болалар экрани: «Билмасвойнинг ойдаги саргузаштлари». 1-қисм.  
13.20 Ҳазил соғинчи.  
13.40 Кўҳна оҳанглар.  
13.50 Интерфутбол.  
15.30 Ўзбекистон дурдоналари: Бухоро.  
15.40 «Никоҳ тумори».

Бадий фильм. 2-қисм.  
17.05 Кўрсатувлар дастури.  
17.10 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».  
17.30 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
17.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
18.00 ТВ-анонс.  
18.10 Автопатруль.  
18.30 Сифат белгиси.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Давр-интервью.  
19.55 Дийдор.  
20.15 Марди майдон.  
20.35 Муҳаббат кўшиқлари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Нокаут».

23.30 «Давр». Ахборот дастури.  
23.45-23.50 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».  
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.  
18.10 «Шаҳримиз дурдоналари».  
18.25, 20.00, 21.30, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 5-серия.  
19.05 «Туризм ҳақида».  
19.35, 21.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.  
19.50 «Эхтиром ила».  
20.30 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».  
21.50 «Нима учун?»  
23.00 Кинонигоҳ «Қадим наволар».  
00.20-00.25 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Шов-шув». Сериал.  
17.15 «Бугун оламда».  
Ахборот кўрсатуви.  
17.25 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».  
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.  
19.00 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.  
20.00 «Время».  
20.35 «Ажралмас». Сериал.  
21.15 «Музиқ-холл».  
21.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
21.50 Кинематограф. «Ҳалокатга учраганлар». Бадий фильм.  
23.15 «Ахборот» (рус тилида)  
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телеҳамкор».  
9.30, 14.15 — Болалар соати.

10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицарлари». Сериал.  
10.50 «Шоҳид». Ҳужжатли сериал.  
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.  
12.05 «Сохта ном чикарганлар». Сериал.  
13.40 «Майами сендс». Телесериал.  
15.10 Кундузги кинозал: «Бальзакнинг буюк муҳаббати».  
16.50 «Футурама». Мультсериал.  
17.15 Ҳужжатли кино. «Таймслот».  
18.10 «Саломея». Телесериал.  
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Улишнинг энг осон усули».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Муסיқий дастур.  
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Уддабурулар».  
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.  
24.00 Ярим тунда спорт.

## CHORSHANBA

22

## «Ўзбекистон»

## телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қоядаги расмлар», «Ёз нафаси».  
9.20 «Бахтимизга омон бўлинг».  
9.40 «ТВ альманаҳ».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 Алифбо сабоқлари.  
10.25 «Улим билан олишу».  
Бадий фильм.  
11.55, 13.55 ТВ анонс.  
12.05 «Оламини асранг!»  
12.25 «Бу ажиб фасл».  
Телеальманаҳ.  
12.45 «Нафосат гулшани».  
13.05 «Яккама якка жанг».  
Тазквандо.  
13.25 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Остонаси тиллодан».  
14.30 Кундузги сеанс: «Отпуссага чиқолмадик». Бадий фильм.  
15.40 Теннис бўйича «Челенжер» халқаро турнири.  
16.20 «Ягона оилада».  
16.50 ТВ клип.  
**Болалар сайёраси:**  
17.00 1. «Яшил чироқ». 2. «Санъат гунчалари».  
18.10 «Соғлом авлод» жамғармаси соврини учун кураш бўйича Республика турнири.  
18.35 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
18.55 «Аёл дунёни тебратар».  
19.10 «Мулк».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Киноконцерт.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Қўшигимиз Сизга

армуғон». К. Раҳматов.  
21.35 «Таянч нуқтаси».  
21.55 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин».  
Телесериал премьераси.  
22.25 «ТВ-клуб».  
22.50 «Ахборот - дайжест».  
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».  
9.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
9.50 Давр-интервью.  
10.05 Муסיқий лаҳзалар.  
10.15 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
11.00 «Жилванланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.  
11.50 Ёшлар овози.  
12.10 Болалар экрани: «Билмасвойнинг ойдаги саргузаштлари». 2-қисм.  
13.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.  
14.05 Кўҳна оҳанглар.

14.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
15.05 Автопатруль.  
15.25 «Есения». Бадий фильм. 1-қисм.  
16.35 Кўрсатувлар дастури.  
16.40 Уйна, болажон, уйна.  
16.55 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «У ким? Бу нима?»  
17.25 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
17.40 ТВ-анонс.  
17.50 «Мени тушун».  
Телеўйин.  
18.15 Олов билан юзма-юз.  
18.30 Оқшом наволари.  
18.40 Каталог.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Ёшлик наволари.  
20.00 Спорт-лото.  
20.10 Очил дастурхон.  
20.25 Ракурс.  
20.45 Ўзбек мумтоз муסיқасидан.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда».

Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
Танаффус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури.  
00.55-1.00 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».  
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.  
18.25, 20.00, 21.30, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 6-қисм.  
19.10 «Камолот фасли».  
19.35, 21.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.  
19.50 ТТВда муסיқа.  
20.30 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».  
21.50 «Санъатга бахшида умр». О. Ҳотамов.

23.00 Кинонигоҳ «Тутси».  
00.40-00.45 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Шов-шув». Сериал.  
17.15 «Бугун оламда».  
Ахборот кўрсатуви.  
17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил».  
Ҳажвий кўрсатув.  
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.  
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»  
20.00 «Время».  
20.35 «Ажралмас». Сериал.  
21.10 «Евроньюс видеожурнали».  
21.30 Кинематограф. «Ассосиз айблов». Бадий фильм.  
23.20 «Ахборот» (рус тилида)  
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.

9.05, 17.40, 20.35 — «Телеҳамкор».  
9.30, 14.15 — Болалар соати.  
10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицарлари». Сериал.  
10.50 «Яши кайфият».  
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.  
12.05 «Сохта ном чикарганлар». Сериал.  
13.40 «Майами сендс». Телесериал.  
15.10 Кундузги кинозал: «Бальзакнинг буюк муҳаббати».  
16.50 «Футурама». Мультсериал.  
17.15 «Овқат шинавандалари учун саёҳат». Сериал.  
18.10 «Саломея». Телесериал.  
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Овчи».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Муסיқий дастур.  
21.30 Ҳинд киноси: «Улим билан ўйин».  
24.00 Ярим тунда спорт.

## PAYSHANBA

23

## «Ўзбекистон»

## телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Болалар сайёраси:**  
9.00 1. «Яшил чироқ». 2. «Санъат гунчалари».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00

Янгиликлар  
10.05 «Мулк».  
10.20 «Шайтон малайлари». Бадий фильм.  
11.40 «Олов - тилсиз ёв».  
11.55, 13.55 ТВ анонс.  
12.05 «Фанимиз истиқболлари».  
12.25 Теннис бўйича «Челенжер» халқаро турнири.  
13.05 «Қўшигимиз Сизга армуғон».

13.25 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
14.30 Кундузги сеанс: «Олмазор». Бадий фильм.  
15.45 «Озода бўлса шахрим».  
16.00 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги.  
«Насаф» - «Пахтакор».  
16.45 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.  
**Болалар сайёраси:**  
17.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Кўзмончок».  
18.10 Эстрада тароналари.  
18.30 «Яши ният».

Телелотерея.  
19.05 «Қалқон».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Дунёқараш».  
21.20 «Аския кечаси».  
22.00 «Рухият манзаралари».  
22.30 «Кавингтон Кросс». Телесериал.  
23.20 «Ахборот-дайжест».  
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «У ким? Бу нима?»  
9.45 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
10.00 Ракурс.  
10.20 Муסיқий лаҳзалар.  
10.30 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
11.00 Спорт китъаси (рус тилида)  
11.30 Сенинг вақтинг (рус тилида)  
11.50 Чемпион сирлари (рус

тилида)  
12.10 Ёшлар овози.  
12.30 Дийдор.  
12.50 «Мени тушун».  
Телеўйин.  
13.15 Интерфутбол.  
14.55 Кўҳна оҳанглар.  
15.05 Олов билан юзма-юз.  
15.20 «Есения». Бадий фильм. 2-қисм.  
16.20 Сифат белгиси.  
16.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳужжатли сериал.  
17.20 Кўрсатувлар дастури.  
17.25 «Янги авлод» студияси: «Олтин қалит».  
17.45 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.

18.00 ТВ-анонс.  
18.10 Адолат сарҳади.  
18.25 Таботат оламида.  
18.45 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 «Давр»-интервью.  
19.55 Чемпион сирлари.  
20.15 «Нихол» муқофоти совриндорлари куйлайди.  
20.30 Бегойим.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури.  
00.55-1.00 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».  
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.  
18.25, 20.00, 21.30, 22.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 7-қисм.  
19.10 «Эътиқод».  
19.35, 21.15, 22.35 «Экспресс» телегазетаси.  
19.50 «Жозиба».  
20.30 ТТВда сериал:

«Бебилиска пул».  
21.50 «Янги иқтисод».  
Бевосита мулоқот.  
23.15 Кинонигоҳ, «Коломбо».  
Қайта кўрик».  
00.25-00.30 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Кайсар ва довораклар». Сериал.

17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
17.25 «Узим биламан». Хажвий кўрсатув.  
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.  
19.00 «Занф бўйин». Шоу ўйини.  
20.00 «Время».  
20.40 «Ажралмас». Сериал.  
21.20 «Соккер клуб».  
21.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз

тилида)  
21.50 «Сизнинг адвокатингиз».  
22.10 Кинематограф.  
«Биринчи миллион».  
Бадий фильм.  
23.40 «Ахборот» (рус тилида)  
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
9.30, 14.25 Болалар соати.

10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицари» Сериал.  
10.50 «Яхши кайфият» мусикий-дам олиш дастури.  
11.20 «Иблис боласи». Сериал.  
12.05 «Сокха ном чикарганлар». Сериал.  
13.40 «Майами Сендс». Сериал.  
15.10 Кундузги киносеанс: «Бальзакнинг буюк муҳаббати».  
16.50 «Симпсонлар».

Мультсериал.  
17.15 «Кино, кино, кино».  
18.10 «Саломея». Телесериал.  
19.00 «30-канал» киноқшоми: «Севги мушк-анбарлари».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Мусикий дастур.  
21.30 «30-канал» киноқшоми: «Полиция воқеаси».  
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.  
24.00 Ярим тунда спорт.

**JUMA**  
**«Ўзбекистон» телеканалли**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Кўзмунчок».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Шайтон малайлари жинлар тегирмониди». Бадий фильм.  
11.30 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Хоразм вилояти.  
11.55 ТВ анонс.  
12.05 Теннис бўйича «Челенжер» халқаро турнири.  
12.45 «Қувноқлар ва зукколар». Телемусобақа.  
14.10 «Олам». Телеальманах.

14.40 «Меҳр қолур».  
14.55 Симфоник мусиқа дунёси.  
15.15 Кундузги сеанс: «Оқ шудринг қишлоғи». Бадий фильм.  
16.40 «Моҳият».  
**Болалар сайёраси:**  
17.00 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.  
17.40 «Нурли манзиллар».  
18.10 «Тафсилот».  
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.  
19.05 «Зиё». студияси намоён этиди: «Эътиқод мустақамлиги йўлида».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 «Бир жуфт қўшиқ».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».  
21.35 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

22.05 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.  
22.30 «Оталар сўзи - ақлнинг кузи».  
23.30 «Ахборот - дайжест».  
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканалли**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».  
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
9.50 Ўйна, болажон, ўйна.  
10.05 «Давр»-интервью.  
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.50 Мусикий лаҳзалар.  
11.00 Адолат сарҳади.  
11.15 Болалар экрани: «Жонли камалак».  
12.20 Ёшлар овози.  
12.40 Интерфутбол.  
14.15 Кўҳна оҳанглар.  
14.25 Оила тилсими.  
14.45 «Менинг сўнги тангоим». Бадий фильм.  
16.20 ТВ-анонс.  
16.30 Бегойим.

16.50 Очун.  
17.15 Кўрсатувлар дастури.  
17.20 «Янги авлод» студияси: «Сўнги кўнгирак».  
17.45 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
18.00 Қўли гул уста.  
18.20 «Сиз қонунни биласизми?» (Жиззахда бўлиб ўтган республика кўрик-танловининг якуний босқичи ҳақида)  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Аср қиёфаси.  
20.00 Орломқирзо Сафаров куйлайди.  
20.25 Аскар мактублари.  
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар  
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.25 Ёшлар овози.  
21.45 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканаллида

спорт: Ринг қироллари.  
00.05 «Давр». Ахборот дастури.  
00.20-00.25 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».  
18.00 Мульттўплам.  
18.10 «Спорт ва болалар».  
18.25, 20.00, 21.30, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 8-9 сериялар.  
19.35, 21.15, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.  
19.50 Мусикий танаффус.  
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».  
21.45 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.  
22.40 Кинонигоҳ, «Икки йўл орасида».  
00.05-00.10 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 «Вести».  
16.25 «Кайсар ва довораклар». Сериал.  
17.15 «Жаҳон бўйлаб».  
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.  
19.00 «Мўъжизалар майдони».  
20.00 «Время».  
20.35 «Келажак метрологияси».  
20.55 «Дурдаршан».  
21.20 «Кун мавзуси».  
21.35 «Витас: Опера №1». Концерт дастур.  
22.25 Кинонинг олтин асри: «Хизматкорнинг синглиси». Бадий фильм.  
23.55 «Ахборот» (рус тилида)  
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
9.30, 14.15 — Болалар соати.

10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицари». Сериал.  
10.50 «Сўхбатдош». Дам олиш дастури.  
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.  
12.05 «Сокха ном чикарганлар». Сериал.  
13.40 «Майами сендс». Телесериал.  
15.10 Кундузги кинозал: «Бальзакнинг буюк муҳаббати».  
16.50 «Симпсонлар». Мультсериал.  
17.15 «Жаҳонгор санъат олами». Спорт дастури.  
18.10 «Саломея». Телесериал.  
19.00 «30-канал» киноқшоми: «Мен сен билан».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Мусикий дастур.  
21.30 «30-канал» киноқшоми: «Полиция воқеаси - 2».  
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.  
24.00 Ярим тунда спорт.

**SHANBA**  
**«Ўзбекистон» телеканалли**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Болалар сайёраси:**  
9.00 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.  
9.40 «Мусиқа бўстони».  
10.00 «Ўзбектелефильм» намоён этиди: «Ҳисор қўриқонаси».  
10.15 «Зиё» студияси намоён этиди: «Эътиқод мустақамлиги йўлида».  
10.35 «Саҳна ҳаёти».  
11.00 «Кичик дўстлар саргузаштлари». Мультфильм.  
11.35 «Дунё кўриб дунёлар ярат».  
11.55, 14.00 ТВ анонс.  
12.00 ТВ-1 кинотеатри: «Жигарбандим ёди». Бадий фильм.  
13.30 «Кўҳна замин

оҳанглари».  
14.05 «Маърифат». Телеальманах.  
14.25 «Интерклуб».  
**Адабий жараён:**  
15.05 1. «Сзувчи ва замон». 2. «Шеръ ва шуур». 3. «Дунё адабиёти».  
15.50 ТВ-клип.  
15.55 «Ягона оилада».  
16.25 Болалар учун. «Фламинго».  
16.45 «Рангин дунё».  
**Болалар сайёраси:**  
17.00 1. «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу. 2. «Сўнги кўнгирак».  
18.15 «Кредит: муаммо ва ечимлар».  
18.35 «Мусиқа: кеча ва бугун».  
18.55 «Пазандалик сирлари».  
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».  
21.05 «Азиз одамлар». Дам олиш дастури.  
22.05 «Соғлом она - соғлом бола».  
22.25 «ТВ-альманах».  
22.45 «Ахборот - дайжест».  
**«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:**  
23.05 «Ёлғиз эркак учун тузоқ». Бадий фильм.  
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканалли**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр тонги».  
9.00 «Янги авлод» студияси: «Сўнги кўнгирак».  
9.25 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
9.40 Табобат оламида.  
10.00 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.30 Аср қиёфаси.  
10.50 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Ринг қироллари.  
11.50 Кутилмаган меҳмон.  
12.10 Кўҳна оҳанглар.  
12.20 Ёшлар овози.  
12.40 «Жюли Леско». Телесериал 1, 2 қисмлар.  
14.10 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Теннис.

14.50 «Экспедиция». Хўжжатири сериал.  
15.40 «Рамаёна». Телесериал.  
16.15 Хуқуқ ва бурч».  
16.35 Кўрсатувлар дастури.  
16.40 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».  
17.05 Саломатлик сирлари.  
17.25 Сўнги кўнгирак».  
17.40 ТВ-саёҳат».  
18.00 Футбол плюс».  
18.20 Оқшом навалари.  
18.35 Бизнес-академия».  
18.50 Олтин мерос».  
18.55, 21.55 Иқлим».  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс».  
19.40 Каталог».  
19.50 Давр-интервью».  
20.05 «Юлдузлар чехраси».  
20.35 Ёшлик қўшиқлари».  
20.50, 21.40, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Жюли Леско».  
Телесериал. 3-қисм.  
21.45 Олтин мерос».  
22.00 «Давр». Ахборот дастури».  
22.40 «Хайр, мактаб!» Андижонда бўлиб ўтган битирувчи ёшлар оқшомидан ёзиб олинган мусикий

дастур».  
23.40 «Грейс ва Глори қиссаси». Бадий фильм.  
1.15-1.20 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Мультчариталак».  
17.40 «Жаҳон географияси».  
18.30 «Мисли гавҳар».  
18.45 «Саломатлик маскани».  
19.00, 20.15, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.  
19.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».  
19.35 «Табриклаймиз-кутлаймиз».  
20.30 «Ташриф».  
20.50 «Нима учун?»  
21.35 Кинонигоҳ, «Танишинг, Жо Блэк». 1-2 сериялар.  
00.25-00.30 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-Да мусиқа».  
9.10 Е. Петросяниннинг «Кулгу панорамаси».  
9.45 «Лаззат».  
10.05 «CFI янгиликлари».  
10.15 «Инглиз тили Сиз

ушун». Болалар учун кўрсатуви.  
10.40 «Экран зийнати ва ҳўймати».  
11.05 «Олтин микрофон». Мусикий кўрсатуви.  
11.35 «Мульттақдим».  
11.55 «Дўстлик» видеоканали: «Немис шарҳи», «Ўзбекистон умумий ўйимиз», «Савий хонадонда».  
12.55-13.25 «Немис тили».  
16.45 Кўрсатувлар тартиби.  
16.50 «Бинафша».  
17.15 CFI тақдим этиди: «Бешикчи ўлнов».  
17.40 «Британия кундалиги».  
18.00 «Гонче» мойи. Тақдимот маросими».  
18.05 «Ҳазил кетидан ҳазил». Хажвий кўрсатуви.  
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйини.  
20.00 «Время».  
20.30 «Нима? Қаерда? Қанон?»  
21.40 «Азиз инсонлар».  
22.00 «Автострада».  
22.15 Кинематограф. «Ҳаёт

сурури». Бадий фильм.  
23.50 «Ахборот» (рус тилида)  
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
9.30 «Малика Сиси». Мультсериал.  
10.00 Болалар учун фильм.  
11.30 «Тавистнинг қувноқ оиласи». Телесериал.  
12.00 Оилавий кино: «Фантомас Скотланд-Ярдга қарши».  
13.40 «Баффи». Телесериал.  
14.30 Ҳинд киноси: «Бесўнақай».  
16.40 «Яширин камера билан». Юмор дастури.  
17.00 «Ўз ўйини». Телешоу.  
18.10 «30-канал» киноқшоми: «Саҳронинг оппоқ қўши».  
19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур.  
20.00 «Вовочка». Сериал.  
21.00 Детектив соати.  
21.45 «30-канал» киноқшоми: «Арслон тегиши».  
23.30 Мусикий дастур.

**YAKSHANBA**  
**«Ўзбекистон» телеканалли**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.10 «Ғаройибот».  
9.30 «Нўхат полвон», «Ғозу-турналар». Мультфильмлар.  
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».  
11.00 «Оромгоҳлар мавсумга шайми?» Бевосита мулоқот.  
12.00 «Пазандалик сирлари».  
12.10 «Она меҳри».  
12.30 ТВ-1 кинотеатри: «Никоблар». Бадий фильм.  
14.05 «Қалб гавҳари».  
14.25 «Мусикий учрашувлар».  
14.55 «Чиройли ва хунук инсонлар». Видеофильм.

16.00 «Портретта чизгилар».  
16.20 «Уй бекаси».  
16.40 «Талабалик йилларим».  
17.00 «Оқ олтин».  
Телелотерея.  
**Болалар сайёраси:**  
17.40 1. «Улғайиш погоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйини.  
18.35 «Туртинчи ҳокимият».  
18.55 «ЎздЭУ авто тақдим этиди: Ютуққа 5 автомобиль».  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар  
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)  
20.05 «Куйла, ёшлгим».  
20.30 «Тахлилнома».  
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».  
**Якшанба кинозали:**  
21.50 «Кино оламида».  
22.10 «Ўзбекистон» каналлида илк маротаба: «Замонлар оша». Бадий фильм.  
23.50-23.55 Ватан

тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканалли**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр тонги».  
9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси». Болалар шеърляти.  
9.25 «Мультмоша».  
9.55 Давр-интервью».  
10.10 Мусикий лаҳзалар».  
10.25 «Заковат» интеллектуал ўйини.  
11.25 «Ёшлар» телеканаллида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари.  
12.05 «Ёшлар» телеканаллида спорт: «Нокгаут».  
12.25 Очил дастурхон».  
12.40 Сўнги кўнгирак».  
12.55 Зарафшон навалари».  
13.10 Футбол-2002».  
13.50 Кўҳна оҳанглар».  
14.00 «Экспедиция». Хўжжатири сериал.  
14.50 Қишлоқдаги тенгдошим».  
15.10 Спорт вафтаномаси».  
15.25 «Рамаёна». Телесериал.  
16.00 Қўшуқоқ».  
16.15 Чемпион сирлари».

16.35 Кўрсатувлар дастури.  
16.40 «Янги авлод» студияси: «Ким эгчил-у, ким чаққон?»  
17.05 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
17.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
18.10 Кўҳна оҳанглар».  
18.20 ТВ-анонс».  
18.30 Якшанбада қўришунча».  
18.45 Оқшом навалари».  
18.55, 21.55 Иқлим».  
19.00 «Давр» - news».  
19.20 ТВ-анонс».  
19.25 Синфдош».  
19.45 Аёл қалби навалари».  
20.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Озод юрт фарзандлари» туркумидан: «Парвоз» видеофильми».  
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар  
20.30 «Жюли Леско».  
Телесериал. 4-қисм.  
21.20 «Зинама-зина».  
21.50 Олтин мерос».  
22.00 «Давр ҳафта ичида».  
22.35 Тунги тароналар».  
22.45 «Ёшлар» телеканаллида

преьера: «Жар ёқасида». Бадий фильм.  
00.20-00.25 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Эртақларнинг сехрли олами».  
19.05 «Табриклаймиз-кутлаймиз».  
19.45, 21.15, 22.30 «Экспресс» телегазетаси.  
20.00 «Пойтахт шарҳи».  
20.25 «Жаҳон географияси».  
21.30 «Телефакт».  
21.40 «Камолот фасли».  
22.10 «Спорт-клуб».  
22.45 Кинонигоҳ, «Кутилмаган меҳмон».  
23.55-24.00 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-Да мусиқа».  
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».  
9.30 «Ҳамма уйдалигида».  
10.05 «Кайфият» дам олиш дастури».  
11.35 FCN «Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз тилида)  
11.45 «Фан тайм».  
11.55 Болалар соати: «Томнинг сехрли боғи». Бадий фильм.  
13.25 «Парле ву франс?»  
13.50 «7 дан 70 гача».  
14.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».  
14.40-15.40 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Айчурек», «Маврид».  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Мультсеанс».  
16.50 «Лего-Ленд». Болалар учун телеўйини.  
17.20 Роми Шнайдер ва Филипп Нуаре «Эски миттик» фильмида.  
19.10 КВН-2002».  
21.30 «7 кун». Ҳафта якунлари.  
21.55 «Менинг шахрим».  
22.15 «Тенгдошлар».  
22.45 «Кинопрофи».  
23.05 Кинематограф. «Келажакка қайтиб-3». Бадий фильм.

00.50 «Тахлилнома».  
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 11.30, 17.45, 20.30 Телехамкор».  
9.30 «Малика Сиси». Мультсериал.  
10.00 Фильм - болаларга. «Илья Муромец».  
12.00 Оилавий кино-Италияликларнинг Россиядаги гаройиб саргузаштлари».  
13.40 «Баффи». Сериал.  
14.30 Кундузги кинозал: «Темирчи».  
16.10 «30-канал»да қизиқарли учрашувлар.  
17.00 «Ўз ўйини».  
18.10 «30-канал»да киноқшоми: «Опасингиллар».  
19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур.  
20.00 «Агентлик». Сериал.  
21.00 Детектив соати.  
21.45 «30-канал»да якшанба киноқшоми: «Фирибгарлик».

### Интерфаол таълим истиқболи

Тошкент Электротехника алоқа институтида масофавий ўқитиш техника ва технологиясига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ниҳоясига етди. У Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти ҳамда "Ўзтелеком" акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Анжуманда "Таълим тўғрисида"ги қонунни тўла амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилашда таълимнинг турли шаклларида кенг фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Бу борада масофавий ўқитишни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу усулнинг ўзига хос жиҳати шундаки, таълим жараёнига кўпроқ тингловчини жалб этиш мумкин.

Назокат Усмонова,  
ЎЗА муҳбири.

### Нур ташҳиси — замонавий даволаш услуби

Тошкентда "Турли аъзо ва тизимлар касалликларига ташҳис қўйишда қўлланиладиган визуализациянинг замонавий усуллари" мавзусидаги илмий-амалий конференция иш бошлади. У Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Европа радиологлари уюшмаси, Ўзбекистон радиологлари уюшмаси, академик В.Воҳидов номидаги Хирургия илмий маркази билан биргаликда ўтказилмоқда.

Нур ташҳиснинг долзарб масалалари ва турли касалликларни даволашнинг замонавий интервенцион услубларига бағишланган конференцияда Австрия, Белгия, Туркия, Россия, Грузия, Қозғистон ва Ўзбекистоннинг етакчи мутахассислари қатнашмоқда.

Анжуманда дунёда кенг тарқалган юрак, қон-томир, ўпка, ошқозон-ичак, эндокрин тизимлари, буйимлар, онкологик ва паразитар патологияларга нур ташҳиси қўйиш масалалари муҳокама этилмоқда. Шунингдек, турли аъзолар ва тизимлар патологиясига ташҳис қўйиш ва даволашда рентген-радиология усуллари, компьютер ва магнит-резонанс томографияси, ультратовуш ва бошқа замонавий технологияларни қўллашнинг янги жиҳатлари кўриб чиқилмоқда.

ЎЗА.



### «АЪЛОЧИЛИК МУКОФОТИ» ҒОЛИБЛАРИ

Танлов

Ўзбекистонда инглиз тили ва америкашуносликни ўқитиш бўйича «Аълочилик мукофоти» бўйича иш олиб борилмоқда.

Бу йил ўтган танлов-

да юртимизнинг ўн нафар инглиз тили ўқитувчилари ғолиб бўлдилар. Улар орасида вилоятимиз вакиллари ҳам бор. Олмалик шаҳридаги 16-ўрта мактабнинг инг-

лиз тили ўқитувчиси Тамара Поликарпова шулар жумласидандир. Улар АКСЕЛС ҳамда АҚШ давлат департаментининг таълим ва маданият бўлими ажратган

ўқув анжомлари, техника воситалари билан мукофотландилар. Ғолиблар Америкада етти ҳафталик малака ошириш семинарида иштирок этадилар.

Акбар АЛИЕВ.

### Саломатлик

## ҲАМИША ГАВЖУМ СИҲАТГОҲ

Ҳар гулнинг бўлакча иси, ҳусну таровати бўлганидек, сиҳаттоҳларнинг ҳам бир-биридан фарқи бўлади. Сир эмас, баъзиларида дам олувчилар икки-уч кундан кейин нарсаларини йиғиштириб орқага қайтиб кетадилар. Тиббиёт ходимлари хизмати, ошхоналарда тайёрланаётган сифатсиз овқатлардан дод дейдиганлар қанча.

Янгийўл туманида жойлашган, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий бошқармасига қарашли кўп тармоқли юрак-асаб касалликлари: санаторийси турдош сиҳаттоҳлардан ажралиб туради. Бу маскан йил-ўн икки ой одамлар билан гавжум.

Жамоанинг салкам 200 кишилик аъзолари ўз касбини пухта эгаллаган юқори малакали инсонлардир. Муассаса замонавий тиббиёт ускуналари, лабораториялар билан жиҳозланган. Бир йўла 300 кишига хизмат қиладиган оромгоҳда нафақат юрак-қон томирлари ҳасталиклари, балки ошқозон-ичак, таянч ҳаракат органлари, қон босими, асаб, буйрак, бўқоқ, қулоқ, томоқ, бурун, қанд ва бошқа касалликларга чалинган беморлар дардларига шифо топмоқдалар. Муолажа хоналари, Германия ва Исроилда биргаликда яратилган турли уқалаш анжомлари, инфрақизил ва қизил рангдаги лазер нурлари орқали даволаш ускуналари, Буюк Британиядан келтирилган компьютер электрокардиография, Япониядан келтирилган УЗИ-550, ошқозон ва ичакларни эндоскопик текшириш, Россиядан «Гидро-Пен» гинекологик касалликларни даволайдиган ускуналар ўрнатилиб, аънавий диагностика усуллари ўша замонавий ташҳис қўйиш услубияти билан тўлдирилди.

Оддий ҳамширадан тортиб бош шифокоргача ҳаммининг бутун эътибори бир нарсага дам олувчи ва даволанувчиларнинг руҳини кўтаришга, дарддан тезроқ

фориг бўлишига қаратилган. Ҳар қандай муолажага ҳам одамда яхши кайфият бўлса, бемор дардга қарши курашда шифокорлар билан елкадош турсагина, самара беради.

Касалликнинг энг яқин иттифоқчиси бе-



морнинг умидсизлигидир ва аксинча соғайишга ишонч ярим соғайиш деган сўз. «Табобат ҳамма санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир деб айтган экан қадимги дунё ҳақими Букрот, — умр қисқа, санъат йўли олис, қулай фурсат ўткинчи, тажриба алдамчи, мулоҳаза билдириш оғир. Бинобарин, фақат табибнинг ўзигина барча зарур нарсалардан фойдаланиб қолмасдан, балки, бемор ҳам, теварак-атрофдагилар ҳам, ташқи муҳит ҳам табибга унинг фаолиятида кўмакдош бўлмоғи лозим».

Бу ҳақиқатни чуқур англаб етган жамоа аъзолари тинимсиз меҳнат қилиб, си-



ҳаттоҳни боғи эрамга айлантирганлар. Йилнинг тўрт фаслида ҳам хушманзара, анвойи гуллар, фавворалар, қишки, ёзги зилол сувли ҳавзалар, лимонарий, мевазорлар танангиз, руҳингизга роҳат бағишлайди.

Кейинги йигирма йилдан буён жамоада фармацевт олим, тажрибали тиббиёт ходими Миродил ака Мираҳмедов раҳбарлик қилиб келмоқда. Сиҳаттоҳнинг мамлакатимизда довруғ қозонишида у кишининг ҳам катта ҳиссаси бор. У беморларга, қўл остидаги ходимларга меҳрибонлиги, ғамхўрлиги, талабчанлиги билан иззат-ҳурмат топган.

Бу ерга келган кишилар ҳар дақиқа, ҳар қадамда уларга эътибор, меҳр, ҳурматни сезиб, ҳис қилиб турадилар. Улардан баъзиларининг дил сўзлари битилган фикрларини қайдномалар дафтарига ёзиб қолдирганлар...

Биз ёши, касби, жинсидан қатъий назар ҳар бир юрtdошимизнинг тўрт муҳаси соғ, ҳамisha тетик ва бардам бўлишини истаймиз. Жисман ва руҳан соғлом, бақувват инсонлар билангина маданий маънавий бойликларни ярата оламиз. «Янгийўл» сиҳаттоҳининг аҳил, меҳнатсевар жамоаси ана шу эзгу ният билан меҳнат қилмоқда.

Мирза Анвар КАРИМОВ.

## «Тошкентвилоятсавдо» очик акциядорлик компаниясининг ЭМИССИЯ ПРОСПЕКТИ

1. Эмитентнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи: — «Тошкентвилоятсавдо» очик акциядорлик компанияси; — «Тошкентвилоятсавдо» ОАК.
2. Тармоқ; озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларининг чакана ва улгуржи савдоси.
3. Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли: Очик акциядорлик жамияти.
4. Манзил ва банк реквизитлари: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 2-уй. Ҳ/р 20210000700133611001 МФО 00416, ИНН 201053925 «Асака» банкнинг Тошкент шаҳар бўлими.
5. Рўйхатдан ўтказган ташкилот номи, АҚни давлат рўйхатидан ўтказилган сана ва рақами: Миробод туман ҳокимининг 2002 йил 19 апрелдаги 382-сонли қарорига асосан берилди.
6. Чикарилган акцияларнинг давлат рўйхатидан ўтказилган сана ва рақами: 2002 й. 30 апрель L 0023-4, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Тошкент вилояти бўлими.
7. Эмитентнинг Низом жамғармаси ҳақида маълумотлар: Компания Низомига мувофиқ Низом жамғармаси 125 000 000 сўм.

- Номинал қиймати 100 сўм бўлган акциялар сони 1 250 000.
8. Чикарилаётган қимматли қоғозлар ҳақида маълумотлар:
    - 8.1. Қимматли-қоғозлар ҳақидаги умумий маълумотлар:
      - а) қимматли қоғозлар чикарилишининг умумий ҳажми 50 000 000 сўм;
      - б) чикарилаётган қимматли қоғозларнинг тури ва уларнинг сони: оддий, эгаси ёзилган акциялар (сони): 500 000 дона;
      - в) бир дона акциянинг номинал қиймати: 100 сўм;
    - 8.2. Қимматли қоғозларни чикариш тартиби ҳақида маълумотлар:
      - а) чикариш ҳақида қарор қабул қилинган сана (Умумий Мажлис санаси) — 2002 йил 30 март;
      - б) чикариш ҳақида қарор қабул қилган Компания бошқарув органи — Акциядорларнинг Умумий Мажлиси;
      - в) қимматли қоғозларни жойлаштиришнинг бошланиши — Эмиссия проспекти рўйхатдан ўтказилган кундан,
      - г) қимматли қоғозлар жойлаштирилишининг якунланиши — Эмиссия проспекти рўйхатдан ўтказилган кундан 1 йил давомида;
      - д) қимматли қоғозларни сотиб олиш мумкин бўлган манзил: Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 2-уй. Маълумотлар учун телефонлар: 152-11-34, 152-11-74
      - е) дивидендларни тўлаш муддати — ҳар йили йил якунлари бўйича;
      - ж) чикарилган акцияларнинг шакли — нақдсиз.

# Xalq va dunyo

Mamlakattar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
so'nggi  
xabarlar



## НОМАЪЛУМ КАСАЛЛИК БИЛАН

Буюк Британиянинг Афғонистондаги тинчлик-парвар кучлари таркибидаги 18 аскар номаълум касаллик юқтиргани ҳақида хабар тарқалди. Кобул яқинида жойлашган Баграм авиабазасидаги бу ҳарбий тиббий ходимлар қандай хасталикка дучор бўлишгани ҳозирча аниқлангани йўқ. Мутахассисларнинг фикрича, у ўткир ичак касалликлари аломатларига эга.



## ЧИДАБ БЎЛМАС ЖАЗИРАМА

Ҳиндистонда тана ҳароратининг қизиқ кетиши ва сувсизланиши оқибатида камида 373 нафар одам оламдан кўз юмди. Маҳаллий газеталарнинг маълум қилишича, қурбонлар сони 500 кишидан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Бенгал кўрфази соҳилидаги энг жазирама худуддаги ҳарорат Цельсий бўйича 48 даражага етмоқда.



Мамлакат

ҳукумати аҳолига пешиндан кундузи соат тўртларгача уйдан ташқарига чиқмасликни маслаҳат бермоқда.

## УЛАР КОСОВОДАН ҚАЙТИШМОҚДА

Сербиянинг Косово ўлкасидан халқаро тинчлик-парвар кучлар таркибига кирувчи россиялик ҳарбий хизматчиларнинг дастлабки юз нафари Ватанига қайтди. Июнь ойигача бу ўлкадан 1200 аскар ва зобит Россияга қайтиши, 400та ҳарбий техника олиб чиқиб кетиши режалаштирилган.

## ИШЛАРИ

## КАНН ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ

Каннда навбатдаги халқаро кинофестиваль иш бошлади. 12 кун давом этадиган мазкур анжуманда нуфузли ҳайъат танлов дастуридаги Майкл Ли, Мануэль де Оливейра, Кен Лоуч, Дэвид Крансберг каби таниқли киноусталар томонидан яратилган 22та фильм билан танишди.



## НАТО САФЛАРИ КЕНГАЯДИ


НАТОнинг Бош котиби лорд Робертсон ташқи ишлар вазирларининг Исландия пойтахтида бўлиб ўтган икки кунлик учрашуви шу йилнинг ноябрь ойида Прагада ўтувчи саммит томон йўлдаги муҳим босқич бўлди, дея таъкидлади.

НАТО — Россия Кенгагининг биринчи мажлиси 28 май куни Римда ўтказилиб, унда АҚШ ва Россия президентлари Ж.Буш ва В.Путин ташкилотнинг бошқа раҳбарлари билан учрашадилар.

— Прага саммитида эса, — деди Робертсон, — НАТО ўз таркибига кириш истагини билдирган баъзи ёки бир неча номзод мамлакатларни қабул қилиш ҳисобига янада кенгайиш масаласини кўриб чиқади.

# ФОЙДА КЕЛТИРАЁТГАН БУЗГУНЧИ ФИЛЛАР

Филлардан қурувчи чиқмаслиги маълум. Лекин бу улкан жониворлар эски иморатларни бузиш ва вайрон қилишда жуда қўл келади. Ҳиндистонда маҳаллий ҳокимият органлари филлардан худди шу мақсадда самарали фойдаланмоқда.



Масалан, яқинда мамлакатнинг шимоли-шарқидagi Ассам штати маъмурий маркази — Гаухати шаҳри ҳокимлиги бешта филни хизматга олди. Улар шаҳар чеккасида маҳаллий маъмуриятнинг руҳсатсиз қурилган минглаб уйларни бузишда бульдозер вазифасини бажармоқда. Ҳозирча шаҳар раҳбарияти оғирлиги бир неча тонна келадиган тирик механизмларнинг хизматидан мамнун. Филлар хартуми билан аввал иморатларнинг домини бузиб, кейин деворини ер билан битта қилмоқда.

Маҳаллий ҳокимлик ана шундай уддабуронлик билан 220 гектар майдонни осонгина "тозалаб", истироҳат боғи яратмоқчи. Бироқ уйлари вайрон бўлган

тўрт минг кишига қаердан бошпана топиб берилади? Бу ҳақда Гаухати ҳокимлиги ҳозирча гап очмасликни маъқул кўрмоқда.

Тўғри, иморатларни бузиш учун шаҳарда ҳақиқий техника ҳам, ишчи ҳам етарли. Бироқ уларнинг фойдасидан зиёни кўплиги тез орада маълум бўлиб қолди. Гап шундаки, бир неча ой аввал шаҳар раҳбарияти ноқонуний қурилган уйларни бузиш учун ишчи ва полициячиларни жалб қилганди. Бироқ аҳолининг уларга қаршилик кўрсатиши кутилмаган оқибатларга олиб келди. Тўқнашувлар натижасида бир киши қурбон бўлди, ўнлаб одам жароҳатланди. Филлар ишга солингандан кейин эса муаммо ўз-ўзидан барҳам топди. Одамлар нақд бешта "тирик бульдозер"ни кўриши билан қўрқувдан ваҳимага тушиб, тум-тарақай қочишга тушди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

## Шарҳловчи минбари

## МАДАГАСКАР:

# СИЁСИЙ ЗИДДИЯТ ОҚИБАТИ

Мадагаскар оролида бундан бир неча ой аввал бошланган сиёсий зиддият фуқаролар уруши ҳавфини туғдирмоқда. Халқаро ҳамжамият оролдаги сиёсий можаро шу зайдда давом этса, фуқаролар уруши келиб чиқиши мумкинлигидан хавотир билдириб келаётган эди. Сўнгги воқеалар ушбу ташвиш ноўрин бўлмаганини кўрсата бошлади.

Тўқнашувлар президент-ликка даъво қилаётган икки сиёсий арбоб — Марк Равалуманани ҳамда Диде Рацираки тарафдорлари ўртасида юз бераётган. Қурбонлар ҳам бор. Маълумотларга қараганда, куни кеча ана шундай тўқнашувлардан бирида олти киши ҳалок бўлган.

Мухолифатчилар йўлбошчиси Марк Равалуманани президент сайловининг биринчи даврасидаёқ галабани кўлга киритганини таъкидлаб, ўзини президент, деб эълон қилганди. Таассуфки, мамлакатга узоқ вақт раҳбарлик қилиб келаётган Диде Рацираки буни тан олмаяпти. М.Равалумананининг пойтахт аҳолиси ҳам қўллаб-қувватлаётгани боис Диде Рацираки асосий қароргоҳини тарк этиб, ўзи тўғилиб ўсган вилоятга кетишга мажбур бўлди.

Мамлакатда юзага келган сиёсий қарама-қаршилик этник можарога айланиб улгурди чоғи. М.Равалуманани оролдаги энг йирик, тарихан сиёсий фаол бўлиб келган Мерино этник гуруҳи вакили. Ушбу гуруҳ бир вақтлар, аниқроғи XIX асрда оролда ўз подшоҳлигини ҳам ўрнатганди. Бироқ Мадагаскарни Франция ўз мустамлакасига айлантиргач, Мерино вакилларининг оролдаги ҳукмронлик макеи барҳам топди. Бу ҳолат мамлакат мустақилликка эришгандан кейин ҳам ўзгармади. Д.Рацираки эса

кичикроқ этник гуруҳдан чиққан бўлиб, Мерино вакилларининг ҳокимият тепасига келишидан хавотирга тушмоқда.

М.Равалуманани мамлакатнинг марказий худудларида катта обрўга эга бўлса, Д.Рацираки соҳилбўйи вилоятларида анча машҳур. Д.Рацираки тарафдорлари пойтахтга элтадиган йўллар ва стратегик аҳамиятга молик кўприкларни ишдан чиқармоқда. Оролга денгиз орқали келтирилаётган озик-овқат ва кундалик эҳтиёж молларининг йўли тўсилмоқда. Оқибатда пойтахтда аҳвол оғирлашди. Бундан жунбушга келаётган Мерино вакиллари бошқа миллат вакиллари қатагон қилишни бошлаган бўлса, чекка вилоятларда бунинг акси юз бераётган.

Таассуфки, ҳозирча Мадагаскар муаммосини бартараф қилиш учун халқаро ҳамжамият томонидан бирор сайъ-ҳаракат кузатилмаяпти. Баъзи маълумотларга қараганда, Марк Равалуманани воситачилик қилишни сўраб, Ливия раҳбари Муаммар Қаддофийга мурожаат қилган. Лекин бу маълумотнинг ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслиги, қолаверса, тафсилотлари аниқ эмас. Кескинлик эса ортиб бормоқда. Вазият шу зайдда мураккаб-лашаверса, мамлакатда фуқаролар уруши бошланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Сайдмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

Турфа олам

Турфа олам

# БУ САФАР БУШ КЕЛМАЙМИЗ

Мухбиримиз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида терма жамоа раҳбарлари, мураббийлари ва бевосита спортчилар билан учрашиб, мулоқотда бўлди.

Бундан икки йил муқаддам ўтказилган «Универсиада-2000» мусобақаларида жами 1778 ёш спортчи иштирок этган эди. Орадан ўтган вақт давомида олий ўқув юртлири талабалари ўртасида спорт янада кенг оммалашди ва бу сафар 2368 нафар спортчи талаба медаллар учун кураш олиб боради. Жумладан, бизнинг вилоятимиздан 147 нафар спортчи иштирок этади.

Таъкидлаш жоизки, Наманганда ўтказилган биринчи универсиада ўйинларида вилоятимиз вакиллари имкониятларига нисбатан бирмунча буш қатнашган эдилар. Бу сафар ўша хато ва камчиликларни такрорламаслик мақсадида машгулотларга анча барвақт ва жиддий киришилди. Тошкент Давлат аграр университетининг спорт мажмуи вилоят терма жамоаси аъзолари ихтиёрига бериб қўйилди. Бундан ташқари Митрофанов номидаги сув спорти ҳавзаси ва «Юнусобод» теннис кортлари ижарага олинди, машгулотлар тизим жадвал асосида давом эттирилмоқда. Шунингдек, Тошкент туманидаги бир қатор спорт иншоотларидан ҳам фойдаланилмоқда.

— Машгулотларни бошлаб юборганимизга қарийб бир ой бўлди, — дейди университетнинг талаба-соғломлаштириш спорт клуби раиси, халқаро тоифадаги ҳакам Аширбек Абдусатторов. — Талабаларимиз спортнинг «Универсиада-2002» дастурига киритилган 12 тури бўйича қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Спорт анжумлари етарли. 147 нафар спортчи талаба бепул овқат билан таъминланган.

Ҳақиқатан ҳам терма жамоа ихтиёридаги барча спорт иншоотларида эртадан-кечгача машгулотлар тинимсиз давом этмоқда. Айниқса, кўл түпи, кураш заллари, енгил атлетикага мўлжалланган майдонлар, сузиш ҳавзаси спортчилар билан доимо гавжум. Шуниси диққатга сазоворки, барча машгулотлар шифокорларнинг бе-

(Давоми. Боши 1-бетда).

восита кузатуви остида ўтмоқда.

— Мақсадимиз — фақат совринли ўринлар учун курашиб, Бухородан пойтахт вилоятимиз шаънига яраша салмоқли медаллар шодаси билан қайтиш, — дейди университетнинг жисмоний тарбия кафедраси мудири, доцент, юнон-рум кураши бўйича спорт устаси Мир-султон Солиҳов. — Талабаларимизнинг,



айниқса, сузиш, енгил атлетика ва кураш турларидан кўплаб медалларни кўлга киритишларига ишончимиз қомил.

Шундай дейишга асос бор. Чунки, терма жамоа сафида Осиё ва Ўзбекистон чемпионлари ҳамда бир қатор йирик мусобақаларнинг совриндорлари бор. Масалан, чалқанча усулда сузиш бўйича халқаро спорт устаси Саида Исхандарова уч карра Осиё чемпиони. Мева-сабзавот-

чилик ва ўрмон хўжалиги факультетининг биринчи курс талабаси Диана Плумаки уч хатлаб сакраш бўйича ёшлар ўртасида республика чемпиони. Агрономия факультетининг иккинчи курс талабаси Давлат Чориев эса бир ҳафта бурун Хоразмда кураш бўйича ўтказилган республика чемпионати голиби бўлиб қайтди ва ҳозир универсиадага қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

— Тошкент давлат педагогика институтидан терма жамоа сафига жалб этилган талабалар орасида ҳам медалларга даъвогарлик қила оладиган истеъдодли спортчилар оз эмас, — дейди институтнинг спорт клуби мудири Абдурахмон Бекназаров. — Жумладан, Дилшод Беков кураш бўйича ёшлар

## ИЛЁС «ЮВЕНТУС» ТАРКИБИДА

**Юртимиз истеъдодли спортчиларга бой. Ана шундай умидли футболчилардан бири мамлакатимиз миллий терма жамоасининг аъзоси Илёс Зейтуллаевдир.**

Ангренлик 18 ёшли йигитча ўтган мавсумда Италиянинг дунёга машҳур «Ювентус» жамоаси фарм-клубига сардорлик қилди. Кун кеча истеъдодли футболчимиз «Ювентус»нинг асосий таркибига қабул қилингани ҳақида хабар келди. Маълумотларга кўра, энди Илёс «Ювентус» таркибида 36-рақамда майдонга тушади.

## КУРАШ - ДЎСТАК ЭЛЧИСИ

**Республика Миллий матбуот марказида Жанубий Африка Республикасидан ташриф буюрган кураш мутахассислари билан матбуот анжумани ўтказилди.**

— Ўзбекистонга ташрифимиз бежиз эмас, — деди делегация раҳбари Андре Ван Зул анжуманда. — Курашга бўлган қизиқиш бизнинг қитъамизда ҳам кенг тарқалди. Шуниси қувонарлики, ҳатто қизлар ҳам кураш билан шугулланишмоқда. Ўзим ҳам ёшлигимдан кураш билан шугуллана бошлагандим.

Жанубий Африка Республикасидан юртимизга ташриф буюрган ёш полвонлар 17-19 май кунлари Наманганда ўсмирлар ўртасида «Соғлом авлод» соврини учун ўтказилган мусобақаларда иштирок этишади.

«Туркистон-пресс».

ўртасида республика чемпиони. Шунингдек, Наташа Каневец баландликка сакраш ва тўсуқлар оша югуриш, Артём Ищенко эса, ўзунликка сакраш ва эстафетали югуриш мусобақаларида терма жамоамизга медаллар олиб беришларига шубҳа йўқ.

**Абдусамат Йўлдошев,**  
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

## ЭТНОГРАФИК АТЛАСГА КИРИТИЛДИ

**Ўзбек диёринда 130 дан ортиқ миллият ва эллат яшайди. Биргина Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Олмалиқ шаҳарлари ақинидаги, шунингдек Алматы, Бишкек шаҳарларидаги, Хўжакент, Самарқанд вилоятларидаги «Қорахитой» номи билан юритилаётган қишлоқлар тарихи ҳам ўрганилди.**

Урганиш борасида кўпгина археологик маълумотлар тўпланди. Бу маълумотлар республикамиз тарихчи ва археолог олимлари саъй-ҳаракати билан Ўзбекистон ҳудудида яшаб келаётган халқларнинг этнографиясига бағишлаб босмага тайёрланаётган атласга киритилди.

Акбар АЛИЕВ.

## «ОТАХОННИНГ ОТАСИМАН»

(Ўйлаб топилмаган ҳикоялар туркумидан)

Еши етмишлардан ошган бўлса-да, ҳали бақувват Берди бобо ҳовлига кира солиб балхут остидаги сўрида уч-тўрт улфатлари билан карта ўйнаб ўтирган ўғли Сафарнинг устига дўлдек бостириб борди. Ўйинга берилиб кетган йигитлар ҳатто ўнинг келганини сезмай қолишди. Фақат балхутнинг силлиқ новдаси пайдар-пай елкасига тушган Сафаргина отасининг авзойини кўриб, тирқираганча ҳовлининг адоғига қараб қочди.

«Нега мени урасин, айбим нима ўзи? Ўзингизни қийнамай машинада бориб келинг, деганими», дея бақирди. Берди бобо «хайф сенга» дегандек, бошини сарак-сарак қилганча дарвозахона ёнидаги уйчага кириб кетди.

Маълум бўлишича, ошналари билан карта ўйнагани ошиққан Сафарга отаси эшакни эгарлашни буюрибди. Тезроқ кутулиш мақсадида Сафар отасини туман марказига эшак миниб боришдан айнитибди. У ошналарининг олдида ўз обрўсини кўтариш мақсадида:

— Отажон, эшакни миниб нима қиласиз, шундай катта йўлга чиқинг-да, дуч келган машинани тўхтаиб, «Мен Сафарнинг отасиман», десангиз бас. Ўзлари сизни марказга олиб бориб қўйиша-

ди, — дебди.

Берди бобо ичида ўғлининг катта йигит бўлиб қолганидан қувонибди. Негадир кенжасидан кўра кўпроқ Отахонни яхши кўриб, Сафарга унчалик эътибор бермаганига афсус қилганча йўлга тушибди.

... Ниҳоят катта йўлда оппоқ «Жигули» кўринибди. Кўл кўтарган экан, «ғийқ» этиб тўхтабди. Берди бобо шоша-пиша «Мен Сафарнинг отасиман», дебди. Машина ичида ўтирган йигитлар бир-бирига маъноли қараб олишибди-ю, туша солиб, Берди бобони минг пушаймон едиришибди.

Нима гаплигидан беҳабар бобо йигитларнинг бу маломатидан ўсал бўлганича: «Тўхтанглар, барака топқурлар, мен ахир Отахоннинг ҳам отасиман» дебди. Йигитлар Берди бободан кечирим сўрашибди ва уни машинага ўтқазиб, туман марказига олиб боришибди. Йўлда Сафар бу йигитларни бир неча бор «чув» туширганини, лекин ўзи думини тутқазмай, қочиб юрганини айтишибди.

Йигитлардан биттаси қулиб, «Яхшиямки, тикилинча Отахон аканинг исмини айтиб қолдингиз, йўқса, Сафарнинг бор аламини сиздан олардик» дебди.

Темир ҚУРБОН.

## Bolalik bog'i

— *Erta bahor u gullab, Xushbo'y hidin taratar. Kumush bargi yiltillab, Oltin marjon yaratar. Borliqqa berar chiroy,*

*Ko'rgandirsiz hoynahoy. Ro'z'orimiz noni u, Vitaminning koni u. Nima ekan, Sojyda? Topdim, topdim, bu ...*



(орлуғ)

Чиноз туманидаги Беруний номи 1-ўрта мактаб томонида 1997-98 ўқув йилида Маамиров Озод Орзикулович номига берилган 083035 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси вилоят ҳокими Уммат Маматкулович Мирзақуловга волидаи муҳтарамаси

**МАРОФАТ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши Тошкент вилояти ҳокими Уммат Маматкулович Мирзақуловга волидаи муҳтарамаси

**МАРОФАТ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг Тошкент вилояти мухтор вакили бошқармаси бошлиғи Азим Тўраевич Раҳмонбердиевга опаси

**Тўхтаҳон АХМЕДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРАДАС

Муассис  
**ТОШКЕНТ**  
**ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир  
**Фатхиддин**  
**МУХИДДИНОВ**

Шеллефонлар:  
Хатлар ва оммавий  
ахборот воситаси бўлими: 133-40-48.  
Эълолар:  
133-40-48, 136-57-27.

Манзиллими:  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
таҳририяти компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифоланди.

● Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда да-  
лилларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
члар масъулдир.